



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

## ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ПУХТАЛАНДИ



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигига «Туркестон вилоятининг 2027 йилгача иқтисодий тараққиёт стратегияси» лойиҳаси мұхомасига бағишенланган мажлис ўтди.

Үнда мұхим ұжжатни тақомлапташириш, күрсаткычларга әришиш йўллари пухталанди.

Тадбирда «Yevniy Consulting Group» МЧБнинг бошқарувчи

хамкори Арман Евниев билан ҳамкорлар стратегиянинг мұхим жиһатларига тұхтади. У күрсаткычларга еришиш йўллари махсус дастур орқали назо-

рат қилемини маълум қилди. Ҳар бир раҳбар, ҳар бир соҳа күрсаткычлар мунтазам таҳтил қилинади.

Мажлисда бошқарма раҳбарларининг таклиф-тавсиялари тингләнді. Минтақа раҳбари соҳа тараққиётiga доир топшириледи.

КР Транспорт вазири Марат Қарыбаев Туркестон вилоятiga хизмат сафари доираасида ташриф буюриб, минтақа ахолиси билан учрашилди ва фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosari Зулпихар Жўлдасов ҳамда минтақанинг соҳага масъул вакиллари иштирок этди.



## ТРАНСПОРТ ВАЗИРИ – ВИЛОЯТДА

Транспорт вазирлиги раҳбари ва туркестонликлар вилоят ахолиси олдида турган мұхим масалаларни мұхомаса килиши.

Учрашувда иштирокчилари Туркестон вилояти ахолисига кўрсатилған транспорт хизматига боғлиқ масалаларни илгари сурьиди. Масалан, тўлови йўллар орқали юриш тарифларининг мидорига оид масала кўтарилиди.

Вазир Қозғистонда тўлови йўллар тарифи энг паст эканлигини айтди. Маҳаллий ахоли учун ставкаларни янада камайтириш имконияти ҳақида савол кўйиши. Вазир тўлови йўл жаҳонда кенг таржаланлигига эътибор қаратиб, Қозғистон Хитойдан Европага ҳамда

яна оргта қараб юк ташиш учун транзит худуд бўлгани боис, республика Ҳукумати давлат даромадларини ошириш мақсадида транзит салоҳиятидан фойдаланниша йўналтирилган сиёсат юриштеганини таъкидлadi.

Иккинчидан, бу йўллардан кўп юк ташиш мөқода. Бу давлат бюджети хисобидан курила-диган ҳамда таъмиранадиган йўлларни тез ишдан чиқаради, шунинг учун бу жорий ва келгуси ҳаражатларни қоплашга мўлжалланган тўловлар экани айттиди.

Кун тартибида мұхомаса қилинган бошқармалар юзасидан вазир тушунча бериб, баъзи мурожаатларни ўз назоратига олди.

## МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ



Туркестон шаҳрида маданият соҳасининг илғор ташкилотлари ва ходимларининг меҳнати эътироф этилди. Таңтанали тадбирда вилоят ҳокими инг ўринbosari Бейсен Тажибаев иштирок этиб, соҳа ходимларини кутлади.

– Бугун Туркестонда ўзгача кун! Туркестон маданиятининг мұваффақияти, вилоятнинг улкан ғалабаси билан табриклайман! Одамларни маънавий жиҳатдан бойитиш йўлида тиним билмай, зафарли масъулиятни елқалирга олган ҳар бирингизга ҳурматига чексиз. Маънавиятни юксалтиришга қартилган меҳнатларнинг баракали бўлсин, – деган вилоят ҳокими инг ўринbosari яқинда Астана шаҳрида маданият ва санъат ушумчалари орасида ўтган «Қазына-2023» фестивали лауреатларини тақдирлаб, бир гурӯх ходимларга «КР Маданият соҳаси илғори» кўкрак нишонини топшириди.



## ДЕВОН РАҲБАРИ ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Туркестон вилоят ҳокими девони раҳбари Еркеғали Алимқулов етакчилигидаги соҳалар – жисмоний тарбия ва спорт, рақамлаштириш, давлат хизматлари кўрсатиш ва архивлар, диний ишлар бошқармаларига оид масалалар бўйича фуқароларни қабул қилиб, талаб ва истакларини тинглади.

Фуқароларнинг аксарияти спорт соҳасига оид масалаларни илгари сурди. Бундан ташқари, бандлик, хуқуқларнинг поймой этилиши, коммунал ҳўжалик масалалари юзасидан саволлар берилди. Масалан, туркестонлик спорт жонкуялари Шаҳмат федерацияси бўйича, вилоятда машҳури спортни якка курла турларидан мусобака уштиришга кўмаклашиш, соҳа спортивларни ривожлантириш масалаларини кўтаришиди.

Байдибеклий фуқаро спорт мактаби кошида ётоқхона куриш, ёпик йўйинго барпо этиш ва кўчаларга ёритиши чироқларини ўрнатиш масалалари юзасидан мурожаат қилишиди.

## САЛОМАТЛИК САРИ



Оммавий спортни ривожлантириш мақсадида Туркестондаги «Жібек жолы» истироҳат боғида «Саломатлик сари 10 000 қадам» акцияси ўтди.

Тадбирда Туркестон вилояти, Туркестон шаҳри, Саврон тумани масалати депутатлари, Туркестон вилояти ИИБ ходимлари, фахрийлар, спортчилар ва 200 нафарга яқин фаол ёшлар иштирок этди. Туркестон вилояти жисмоний тарбия ва Спорт бошқармаси раҳбари ўринbosari Жазира Мұслимова ва Туркестон шаҳри маслаҳати раиси Гаппар Сарсенбаев ахоли саломатлигини таъминлашда давлат мавқенини оширишга қышса кўшаётган барча фуқароларга миннандорчилик билдириди.

## АРИСДА ИЖТИМОЙ ДЎКОН

Арис шаҳри ҳокимлиги ташабbusи билан марказий бозор худудида тадбиркор, шаҳар маслаҳати депутати Сейилхан Қенжебековнинг саъй-харакати билан арzonлаштирилган гўшт маҳсулотларини сотадиган дўкон очилди.

Бу ерда гўшт маҳсулотлари ахолига мақбул баҳода тақдим этилмоқда. Сўким ва кўй гўшти 2150 тенгедан, яъни бозор нархидан 15-16 фоиз арзон баҳода ахолига сотилмоқда.

## ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР



Үрдашиби тумани ҳокими Азат Үральбаев бошчилигидаги ҳокимлик ходимлари ахоли манзилларини ободонлаштириш ва кўкамламзора шаҳри донрасида Темирлан қишлоғига киравершишдаги йўл бўйларига кўн йиллик терак, арча, мевали дарахтлар кўчватлари ўтказиши.

Ҳокимлик тасарруфидаги таркибий бўлум ходимлари кузги дараҳт эквиш тадбирда иштирок этиб, белгиланган жойларга дараҳт кўчватлар ўтказиши.

Туман раҳбари тадбирда иштирок этган корхона ходимларига дараҳт кўчватларини экиш билан чекланиб көлмай, навларни парваришилашини йўлга кўйиш зарурлигини таъқидлади.

## 2 МИНГДАН ЗИЁД КИШИ ЁРДАМ ОЛДИ



Туркестонда «Фамхўрлик» оила марказинин фаолияти жонланмоқда. Сўнги кўрсаткычларга кўра, марказда йил бошидан бўй 2260 одамга хизмат кўрсатилган. Уларнинг 275 нафари белуп курслардан таълим олиши, қолган фуқароларга ижтимоий, хуқуқий, руҳий ёрдам турлари кўрсатилган.

Бугунги кунда 11та соҳа туридан курслар уштирилмоқда. Бундан ташқари, давлат гранти олиб, ўз ишини бошлаган кўп болали она, алоҳида эҳтиёжга эга фарзандларни вояға етказаётган оналарни ҳам марказ исб билан таъминлаб, майданни топширилди.

## ТИББИЙ ИНШООТЛАР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИ

Вилоятимизда тиббий инфраузилмаларни янада ривожлантириш мақсадида кенг қарорлари ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди соғлини сақлаш соҳасини тақомиллаштириш учун ушбу ўналишидаги ишларга асосий эътибор қаратиш, тиббий хизмат сифатини оширишни топширган эди.

Бу йўналишда қад ростлаган 11та иншоотнинг курилиши 2022 йили бошидан бўй 4таси фойдаланишига топширилди. Тулкибош туманининг Рискул, Шукирбулақ, Ақбик, Келтешмаш овлупларида шифокорлик амбулаторияси ва фельдерлерлик-акулерлик пункти фойдаланишига топширилди, ишга туширилди. Қолган иншоотларда ускуналарни ўрнатиш, ободон-

лаштириш, ички пардозлаш ва қабуллаш чоралари юритилмоқда.

Шунингдек, Сарироғоч шаҳрида пе-ринатал маркази ва замонавий тиббий мажмуя курилишининг лойиҳаси ҳозирланмоқда. Айни дамда фуқаролар соглигини тикилаша 5,5 мингдан зиёд шифокор ва 119 мингдан зиёд мутахасис хизматидан.

Давлат раҳбари амалий ташриф билан Ақтўбе вилоятiga борди.



